

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2023 йил май ойининг 10 куни, жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик этувчи: С.Нишанов,

судья ёрдамчиси О.Аҳроровнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Олмалиқ шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Туйчиев, жабрланувчи Ш.Абдукодирова, судланувчи Ш.Маннобовлар иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “г” банди билан айбланаётган;

**Маннобов Шермухаммад Шерзод ўғли (MANNOBOV SHERMUKHAMMAD SHERZOD O'G'LI) -** 2002 йил 17 сентябрь куни Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Чирчиқ давлат педагогика университети талабаси, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Олмалиқ шаҳри У.Носир кўчаси 65-уйда доимий рўйхатда туриб, Олмалиқ шаҳри Металлург кўчаси 30-уй 41-хонадонда яшовчи, муносиб ҳуқуқ-атворда бўлишлик ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нухасини 2023 йил 10 апрель куни олганга нисбатан, № 1-1110-2303/108-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни,

### **А Н И Қ Л А Д И:**

Ш.Маннобов, 2023 йил 19 январь куни соат 13:30 да Олмалиқ шаҳридаги “Дилкаш” номли кафени умум-овқатланиш залида бўла туриб, жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, ён ўриндиқда ўтирган Абдукадирова Шохина Абдуқодир қизига шилқимлик қилиб, берухсат суратга олаётганликда айблаган ҳолда, жанжалли вазият келтириб чиқариб, Ш.Абдукадировани уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, унинг юзига қўли билан уриб, безорилик содир этган.

Суд тиббий экспертизасининг 2023 йил 21 январь кунги № 60-сонли ҳулосасига кўра, Ш.Абдукадированинг баданида “пешона соҳасида шиш ва қонталаш, чап чакка соҳасида шиш” каби тан жароҳатлари аниқланиб, мазкур тан жароҳатлари соғлиғини қисқа муддат бузилишига олиб келмаган енгил тан жароҳати тоифасига кириши аниқланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Ш.Маннобов унга эълон қилинган айбга умуман иқрор эмас эканлигини маълум қилиб, судда қуйидагиларни яъни у Абдукадирова Шахинани 19-мактабда ўқиганлиги, ушбу мактабга танишлари билан кўришиш учун тез-тез бориб турганлиги сабабли таниши, 2022 йил 19 январь куни соат 13-20 ларда акаси Озодбеков Азиз билан овқатланиш мақсадида Олмалиқ шаҳар Тотувлик кўчасида жойлашган “Дилкаш” кафесига борганлиги, кафе биносининг иккинчи қаватига чиқиб, чап томондаги ойна олдида жойлашган марказий столларнинг бирига ўтирганлиги, стол бўш турганлиги, официантга овқат буюртирганлиги, овқатланиб ўтирган вақт ёнидаги столда унга нисбатан орқа томони билан ўтирган Шохинани кўриб қолганлиги, у телефонини кўтариб, ўзини видеога олаётганлиги, унга қараб



нимага видеога олаётганлигини сўраганлиги, унга қўпол оҳангда, бақириб, “сени ким видеога олади” деб жавоб берганлиги, сўнг Шохина ўрнидан туриб, номаълум шахсга қўнғироқ қилиб “бу ерда иккита ГАВНО, ДАЛБАЁБ ўтирибди” деб атайлаб унга эшиттириб гапирганлиги, унинг ушбу ҳолатидан жаҳли чиқиб, унга аёл киши эканлигини, тўғри гапиришини айтганлиги, бу гапларни эшитиб унинг ёнига ўзидан ўзи келиб, туриб олганлиги, у келаётган вақтда ўрнидан турганлиги, турган вақт унинг олдига келиб туриб олганлиги, унга олдидан кетишини айтиб, чап қўлини кўтарганлиги, Шохина бундан чўчиб кетиб, бош қисмини орқага олиб қочганлиги, сўнг стол устида турган пиёла, чойнак, лаганларни унга қарата ота бошлаганлиги, сўнг ўрнидан туриб, унинг олдидан чиқиб кетганлиги, Шохинанинг “102” рақамларига қўнғироқ қилганлигини эшитиб, кафе ташқарисида кутиб туришга қарор қилганлиги, орадан 5 дақиқалар чамаси вақт ўтгач, ИИБ ходимлари келишганлиги ва уларни маҳалла ҳуқуқ тартибот масканига олиб кетишганлиги, у ерда бўлиб ўтган ҳолат юзасидан тушунтириш берганлиги, у кафега кирган вақт кўрмаганлиги, уни видеотасвирга олган вақтдагина ушбу қизни Шохина эканлигини таниб қолганлиги, Шохинанинг жаҳлини чиқариш мумкин бўлган ҳеч қандай ҳаракатлар содир этмаганлиги, уни видеотасвирга олаётгандагина кўрганлиги, ёнидаги ўртоғи Азиз уни ўзини босишини, жанжал қилмаслигини айтиб, ташқарига чиқиб кетганлиги, 2023 йил 19 январь куни соат 13:30 да бўлиб ўтган жанжалда у Шохинани умуман урмаганлиги, уни кўрқитмоқчи бўлиб қўлларини кўтарганлиги, лекин урмаганлиги, бу вақтда Шохина ўзини орқа томонга олиб қочганлиги, уни урмоқчи бўлиб, қўлларини силтаётган, унга стол устида турган идишларни отаётган вақтида, ўзини орқага олиб қочганлиги, шу сабабли унинг зарбалари ва отган идишлари унга тегмаганлиги, ушбу ҳолатдан маҳалла ҳуқуқ тартибот масканига уни олиб кетишганида, Шохинанинг юзида ҳеч қандай қизариш, кўкариш аломатлари йўқ эканлигини маълум қилган.

Судланувчи Ш.Маннабовни айби, унинг айбига умуман иқроор эмаслик ҳақидаги кўрсатмасидан ташқари, суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаси, ҳамда иш ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи Абдукадирова Шохина Абдуқодир қизи судга қуйидагиларни, яъни 2023 йил 19 январь куни Ойдин бекати ёнида жойлашган Гўзаллик салонига таниши Маржона билан бирга борганлиги, у ердан сочини бўятиб соат 12:30 ларда чиққанлиги, сўнг тушлик қилиш мақсадида, Тотувлик кўчасида жойлашган “Дилкаш” кафесига борганлиги, соат 13:30 ларда тушлик қилиб, кетишга тайёргарлик кўраётганлиги, орқа томонида жойлашган столга иккита номаълум бўлган шахс, кейинчалик исмини Шермуҳаммад эканлигини ИИБ ходимларидан билиб олган шахс ўтирганлиги, ушбу шахс олдидан ўтиб-қайта бошлаганлиги, ҳар сафар ўтган вақтида “ия-а, бу қизлар-ку, очилиб кетибдими” каби турли хил унга тегувчи гапларни гапириб ўта бошлаганлиги, ушбу гаплар тўғридан-тўғри унга қарата айтилмаётган бўлса-да, ушбу гапларнинг унга тегишли эканлигини билиб турганлиги, лекин ўзининг жаҳли чиқаётганлигини билдирмасдан ўтираверганлиги, кетмоқчи бўлганлиги сабабли телефон камераси орқали ўзига қара ва махсус қалам орқали лабини бўяй бошлаганлиги, Шермуҳаммад унга қарата “эй-эй” деб уни чақира бошлаганлиги, уни гапларига эътибор бермасдан юнини қўйиб, эшитмаганга олиб ўтаверганлиги, Маржона уларга қараб



“нима демоқчисан!” деб гапирганлиги, сўнг Шермуҳаммад нимага уни расмга олаяпсан деб унга нисбатан кафенинг ичида носамимий муносабатда бўлиб, баланд овозда, кафега келган бошқа шахсларнинг олдида гапирганлиги, сўнг у Шермуҳаммадга нимага сабабдан уни расмга олиши кераклигини сўраганлиги, бу гапидан жажли чиқиб, уни турли хил инсон шаъни ва қадр қимматига тегувчи уятсиз сўзлар билан сўкиб ҳақорат қилганлиги, унга нимани расмга олиши мумкинлигини айтганлиги, Шермуҳаммад уни ҳақоратлашни давом эттирганлиги, Маржона уларга қарата “биз сизларни расмга олганимиз йўқ, тинчланишлари, бизга уриш-тўполон керак эмас” деб айтганлиги, сўнг у билан Маржона кийимларини кийиб кетмоқчи бўлаётганида, Шермуҳаммад уларни ҳақорат қилишни давом эттирганлиги, сўнг у Шермуҳаммаднинг ёнига бориб, телефонини кўрсатиб, унга телефонини кўриши, агар телефонда расмини топа олмаса қанақа эркак бўлишини сўраганлиги, бунга жавобан Шермуҳаммад, ҳеч қандай сабабларсиз уни пешона қисмига икки маротба ўнг қўлининг кафт қисми билан урганлиги, сўнг унинг жажли чиқиб, стол устида турган пиёлани Шермуҳаммадга отмоқчи бўлганида, Шермуҳаммадни ёнида турган бола қўлини куч билан ушлаб қолганлиги, пиёла ерга тушиб синиб кетганлиги, унинг кучи етмаслигини билиб, телефони орқали “102” рақамига қўнғироқ қилиб, улардан ёрдам сўраганлиги, телефон қилиб бўлгач, Шермуҳаммадга кетиб қолмаслигини, ҳозир ИИБ ходимлари келишини айтганлиги, Шермуҳаммад унга нима бўлган тақдирда ҳам қўлидан ҳеч нарса келмаслигини, пастга тушиб, кутиб туришини билдирганлиги, у билан Маржона сумкаларини ола бошлаганлиги, бу вақт ИИБ ходимлари келишиб, ундан нима бўлганлигини сўрай бошлашганлиги, бу вақтда Шермуҳаммад ҳодиса содир бўлган жойдан қочиб кетганлиги, у Ш.Маннобовнинг жаҳлини чиқариши мумкин бўлган ҳеч қандай ҳаракат қилмаганлиги, Ш.Маннобов уни ҳеч қандай арзирли сабабларсиз икки маротаба уриб қолганлиги, Шермуҳаммад уни юзининг юқори қисми чап томонига зарба берганлиги, у Шермуҳаммадни ушбу ҳолатга қадар бирон марта кўрмаганлиги, ушбу ҳолатга қадар уни умуман танимаганлиги, лекин, унинг фикрича уни таниган ва шу сабабли унга шундай шилқимлик қилганлиги, ушбу ҳолатга қадар Шермуҳаммадга нисбатан шахсий адовати бўлмаганлиги, Ш.Маннобов унга икки маротаба тарсаки урганлиги, унинг қўлларида ҳеч нарса йўқлиги, Шермуҳаммадни унга нисбатан қилган ғайриқонуний ҳаракатлари учун қонуний чора кўришликни сўраган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Абдурашитова Маржона Мирзамиддин қизи судга қуйидагиларни, яъни 2023 йил 19 январь куни таниши Шахина билан тушлик қилиш мақсадида, Олмалиқ шаҳар Тотувлик кўчасида жойлашган “Дилкаш” кафесига борганлиги, у ерга соат 13:00 ларда борганидан сўнг, 2-қаватда жойлашган столларнинг бирига ўтирганлиги, у ерда тахминан 30 дақиқалар ўтирганидан сўнг, уларнинг столи ёнидаги нотаниш икки киши келиб ўтиришганлиги, бу вақт улар овқатланиб бўлиб, кетишга тайёргарлик кўраётганликлари, таниши Шахина телефонини олиб, унинг камерасидан ойна тариқасида фойдаланиб, лабини бўяётганлиги, ёнидаги столга бир оз аввал келиб ўтирган шахс, Шахинага қарата “сен мени расмга олаяпсан” деб, Шахинага нисбатан қўпол муносабатда бўлиб гапирганлиги, Шахина бунга жавобан “нега сени расмга оламан?” деб жавоб берганлиги, буни эшитган боланинг жаҳли чиқиб, Шахинани турли хил инсон шаъни ва қадр қимматини камситувчи сўзлар



билан сўкиб ҳақорат қила бошлаганлиги, ушбу болага Шахинанинг уларни расмга олмаётганлиги, улардан ушбу ҳаракатларини тўхтатишини сўраганлиги, лекин ушбу шахс Шахинани ҳақорат қилишни давом эттириб, уни видеога олаётганлигини гапирганлиги, ушбу бола Шахина ҳақида турли бўхтон гапларни ёнида турган болага гапира бошлаганлиги, бундан Шахинанинг жаҳли чиқиб, уни ҳақорат қилаётган болага телефонини кўрсатиб “мана, кўр, сени расмга олаётганим йўқ” деб айтганлиги, бу вақтда Шермуҳаммад ўнг қўли билан Шахинани юзига уриб қолганлиги, шундан кейин Шахина билан Шермуҳаммад ўзаро жанжаллашиб кетишганлиги, сўнг Шахина йиғлаб юборганлиги ва “102” рақамига кўнғироқ қилиб, ИИБга мурожаат қилганлиги, Шахина Шермуҳаммадни жаҳлини чиқариши ёки унинг нафсониятига тегиши мумкин бўлган ҳеч қандай ҳаракат қилмаганлиги, Шахина билан Шермуҳаммад жанжаллашиб кетишганлиги, шундан нима бўлганлигини билмаслиги, чунки бу вақтда у ерда ётган идишларни тераётганлиги, уни ИИБ ходимлари келиб, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканига олиб боришаётган пайтда, Шахинанинг пешона қисмида кўкаришга ўхшаш из пайдо бўлганлигини маълум қилган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ Раҳимов Бекзод Мирзамиддин ўғли судга қуйидагиларни, яъни 2021 йил сентябрь ойидан буён Олмалиқ шаҳрида жойлашган Дилкаш кафесида расмий равишда официант бўлиб ишлаши, 2023 йил 19 январь куни соат 13:00 ларда Шохина исмли кафесининг доимий мижози дугонаси Маржона билан кафега келганлиги, у ўз дугонаси билан бинонинг 2-қаватидаги ойна олдидаги столларнинг бирига ўтирганлиги, сўнг егулик бюртиришиб, тамадди қилишганлиги, соат 13:30 ларда Шермуҳаммад исмли бола ўзининг шериги билан келганлиги, унга навбати бўлганлиги сабабли хизмат кўрсата бошлаганлиги, улар ош буюртиришганлиги, уларга ош олиб келиб бергач, тушлик вақти бўлганлиги сабабли ўзи ҳам чекадаги столларнинг бирига ўтириб, овқатлана бошлаганлиги, бир вақт Шермуҳаммад ўз шериги билан ўтирган столга қараган вақтида Шохина Шермуҳаммадлар ўтирган столнинг олдида турганлиги, у дарҳол бориб уларни ажрата бошлаганлиги, Шахина стол устида турган чойнакни олиб, Шермуҳаммадга отиб юбормоқчи бўлганлиги, лекин, Шахинани дугонаси ушлаб қолганлиги сабабли, чойнакни ота олмаганлиги, натижада ерга чойнак ва пиёла тушиб синганлиги, Шермуҳаммадни кетаётган вақт, Шохина унга кутиб туришини, ҳозир ИИБ ходимларини чақиришини айтганлиги, сўнг Шермуҳаммад “қўлингдан келганини қил!” деб, ташқарига чиқиб кетганлиги, сўнг ИИБ ходимлари келишганлиги ва Шермуҳаммад кафедан кетиб қолганлиги сабабли, уни топа олишмаганлиги, дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатмаларида Шермуҳаммад Шахинани урганлик ҳолатини гувоҳи бўлганлиги ҳақидаги ҳолатни у айтмаганлиги, терговчини ўзи ёзиб олганлиги, ушбу ҳолатни гувоҳи бўлмаганлигини маълум қилган.

Суд мажлисида кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ Озодбеков Азизбек Озодбек ўғли қуйидагиларни, яъни 2023 йил 19 январь куни 13:20 ларда Олмалиқ шаҳар Тотувлик кўчасида жойлашган “Дилкаш” кафесига овқатланиш мақсадида таниши Маннобов Шермуҳаммад билан бирга борганлиги, у ерга борганидан сўнг бинонинг иккинчи қаватидаги ойна олдидаги столларнинг бирига ўтирганлиги, сўнг официант орқали овқат тирганлиги, ёнидаги столда икки нафар унга нотаниш бўлган қизлар



кейинчалик уларнинг исмлари Шахина ва Маржона эканлигини билиб олганлиги, улар овқатланиб ўтиришганлиги, официант уларга егулик олиб келганидан сўнг, тамадди қила бошлаганлиги, овқатланаётган вақт уларни столдан кейинги столда ўтирган Шахина исмли қиз расмга тушаётганлиги, унинг телефони экранда таниши Шермухаммад тушиб қолганлиги сабабли, Шермухаммад Шахинага расмга олмаслигини айтганлиги, шунда Шахина ушбу ҳолатдан жаҳли чиқиб, Шермухаммадни ҳақорат қила бошлаганлиги, у Шермухаммадга ушбу қизга эътибор бермаслигини, овқатини ейишни давом эттиришини айтганлиги, сўнг Шахина ва унинг ёнида ўтирган Маржона исмли дугонаси овқатланганликлари учун ҳисоб-китоб қилишиб, ўрнидан туришганлиги, сўнг Шахина тезлик билан улар ўтирган столнинг ёнига келиб, Шермухаммадга нима деяпсан, кимсан деб ҳақорат қилиб, стол устидаги идишларни олиб, Шермухаммадга отиб кетганлиги, ўзини химоя қилиш мақсадида Шермухаммад гавдасини олиб қочиб, диван устига ёнбошлаб ётиб олганлиги, Шахинанинг стол устида турган чойнакни олиб, отаётганлигини кўриб, унинг қўлидан чойнакни олиб, стол устига чойнакни қўйиб, ўзи ташқарига чиқиб кетганлиги, сўнг унинг ортидан Шермухаммад ҳам чиқиб, ўз ишлари билан кетиб қолганлиги, орадан бир оз вақт ўтгач Шермухаммадга нотаниш рақамлардан қўнғироқ қилишганлиги ва Шермухаммадни Дилкаш кафесига чақиртиришганлиги, шундан сўнг Шермухаммад кафега борганлиги, у эса ўз шахсий ишлари билан шуғулланишни давом эттирганлиги, у Шермухаммаднинг Шахинани урганлигини кўрмаганлиги, фикрича ушбу тан жароҳати Шахина Шермухаммадга чойнакни отмоқчи бўлган вақтида, чойнакнинг бир учи унинг пешона қисмига тегиб кетиши натижасида олганлиги, лекин у ташқарига чиқиб кетаётган вақт Шахинанинг юзида қизариш, шиш каби тан жароҳатларини кўрмаганлигини маълум қилган.

Бундан ташқари, Ш.Маннобовнинг айби иш ҳужжатларида мавжуд қўйидаги далиллар билан ўз исботини топган, яъни: ҳодиса содир бўлган жойдан олинган видеолавҳани кўздан кечириш тергов ҳаракати баённомаси билан (и.в. 56-58); суд тиббий экспертизасининг 2023 йил 21 январь кунги № 60-сонли хулосаси билан (и.в. 12-13); судланувчи Ш.Маннобов ва жабрланувчи Ш.Абдукадинова ўрталарида ўтказилган юзлаштириш тергов ҳаракати баённомаси билан (и.в. 42-44);

Судланувчи Ш.Маннобов жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасдан, ўз мазмунига кўра умум эътироф этилган ахлоқ қоидаларини намойишкорона менсимасликда ифодаланувчи ўтакетган беҳаёлик билан жабрланувчи Ш.Абдукадиловани сабабсиз уриб, баданига енгил тан жароҳати етказишда ифодаланган жиноий хатти-ҳаракатлари, дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “г” банди билан нотўғри квалификация қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида” ги 9-сонли қарорининг 5-бандида “безорилик ҳаракатларини Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг «г» банди билан квалификация қилишда суд айбдорнинг айнан қайси ҳаракатлари ўтакетган беҳаёлик деб баҳоланаётганлигини ҳукмда кўрсатиши шарт, безорилик ҳаракатлари ўтакетган беҳаёлик билан содир этилган деб топиш масаласини ҳал этиш чоғида суд ишнинг муайян ҳолатлари



мажмуидан келиб чиқиши ҳамда содир этилган жиноятнинг хусусияти, вақти, жойи ва шарт-шароитларини инобатга олиши лозим”лиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Иш ҳолатларига кўра, судланувчи Ш.Маннобов жабрланувчи Ш.Абдукадировани жамоат жойида уятли сўзлар билан ҳақорат қилиб, юзига шапалоқ уриб қолганлиги ўз тасдиғини топганлиги, судланувчи Ш.Маннобов томонидан бундан бошқа ножўя ҳаракат содир этилмаганлиги, мазкур ҳолат эса ўтакетган беҳаёлик сифатида баҳоланишга асос бўлмаслиги сабабли, судланувчи Ш.Маннобовни ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмига қайта малакалашликни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандида “ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Ш.Маннобовга жазо тури ва меъёрини тайинлашда, юқоридаги Пленум Қарорларини инобатга олиб, судланувчининг шахсини, муқаддам судланмаганлиги, жиноятни қасддан содир этганлигини, унинг келгусида шу каби жиноятлар содир этишга мойиллиги борлигини, шунингдек ҳозирда етказилган моддий зарарни ўрнини қопламаганлиги, жабрланувчинини даъвоси бўлмаса-да қонуний чора кўришликни сўраётганлиги, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи барча ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни;

Ашөвий далил деб эътироф этилган ҳодиса жойидаги видеотасвир акс эттирилган DVD дискни иш ҳужжатларига қўшилганлигини инобатга олишликни;

Жабрланувчи Ш.Абдукадировага жиноят натижасида етказилган маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан, суд

### **ҲУКМ ҚИЛДИ:**

Маннобов Шермухаммад Шерзод ўғли (MANNOBOV SHERMUXAMMAD SHERZOD O`G`LI) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга модда санкциясида назарда тутилган 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга иш ҳақининг 25 % ни давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо ҳукми ижросини назорат қилувчи органлар томонидан белгиланган жойларда ўтаттирилсин.

Жазо муддати ҳукм ижрога қаратилиб, ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиш бошланган кундан ҳисоблансин.



Ҳукм кучга киргунча қадар муносиб хулқ-атворда бўлишлик ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган DVD диск иш ҳужжатларига қўшилганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи Ш.Абдукодировага жиноят натижасида етказилган маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтирилсин.

Ҳукм устидан шу суд орқали апелляция шикоят ва протести ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида Тошкент вилоят суди жиноят судлов ҳайъатига берилиши мумкин.

**Раислик этувчи:**

**/имзо/**

**С.Нишанов**

ҳукм нусхаси  
аслига тўғри:

